MANAGEMENT AND ECONOMICS SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

jild. 3 No 3 (2026)



MANAGEMENT AND ECONOMICS SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

MENEJMENT VA IQTISODIYOT ILMIY-TADQIQOT JURNALI

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЖУРНАЛ МЕНЕДЖМЕНТА И ЭКОНОМИКИ

journals@timeedu.uz

+998 95 651 90 00

MANAGEMENT AND ECONOMICS
SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

+998 95 651 90 00
@tmii_journal
journals.timeedu.uz
journals@timeedu.uz
Shota Rustaveli ko'chasi, 114

BOSH MUHARRIR:
Narbayev Sharafatdin Kengeshovich

BOSH MUHARRIR O‘RINBOSARI:
Norbekov Shohzod Mamarasul o‘g‘li

TAHRIR HAY’ATI:

1. Sharipov Kongratbay Avezimbetovich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, t.f.d., professor.
2. Axmedov Xojiakbarxon Dilshatovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'limi boshlig’i, i.f.n., dotsent.
3. Gulyamov Saidasror Saidaxmedovich – O‘zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi, i.f.d., professor.
4. Xotamov Ibodullo Sadulloyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasi i.f.n., professor.
5. Saidaxmedova Nodira Ilhomovna – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Iqtisodiyot nazariyasi kafedrasi, i.f.d., (DSc) professori.
6. Sultanov Mansur Qilichovich – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi ekspertlar guruhi rahbari, t.f.f.d., dotsent.
7. Chertovitskiy Aleksandr Stepanovich – “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muxandislari instituti“ Milliy tadqiqot universiteti, i.f.d., professor.
8. Popkova Yelena Gennadyevna - Rossiya Federatsiyasi avtonom notijorat tashkiloti “Ilmiy kommunikatsiyalar institute” prezidenti, i.f.d, professor.
9. Dr Goh Khang Wen – Malaziyaning INTI Xalqaro universiteti prorektori.
10. Wang Cheng – XXR “Hebei Institute of Mechanical and Electrical Technology” instituti, i.f.f.d., dotsent.
11. Xakimova Nilufar Karimkulovna – O‘zMU huzuridagi Yarimo‘tkazgichlar fizikasi va mikroelektronika ilmiy-tadqiqot instituti PhD, katta ilmiy xodimi.
12. Yo‘ldoshev Nuriddin Qurbonovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Biznes boshqaruvi va moliya kafedrasi, i.f.d., professor.
13. Chariyev Kurban Amirovich Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasi, i.f.d., professor.
14. Turakulov Otabek Xolmirzayevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Akademik va ilmiy faoliyat bo‘yicha prorektori, t.f.f.d., dotsent.

15. Abduraimova Nigora Radjabovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasi, i.f.f.d. dotsent.
16. Anarkulova Gulnaz Mirzaxmatovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi, i.f.n., professor.
17. Yakubov Sadirjan Bakiyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi, i.f.n., professor.
18. Kadirova Istora Bobirovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Karyera markazi direktori, i.f.f.d., dotsent.
19. Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti doktoranti, i.f.f.d., dotsent.
20. Mamatov Narzullo Solidjonovich – "TIQXMMI" MTU, kafedra mudiri, t.f.d., professor.
21. Toirov Shuxrat Abduganiyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi mudiri, t.f.f.d. dotsent.
22. Yusupov Rustam Abdimuratovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, t.f.f.d., dotsenti.
23. Nazarov Xolmo‘min Abduxobovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, f.m.f.n. dotsent.
24. Olimov Sodiq Anvar o’g’li – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, p.f.f.d., dotsent.
25. Asrayev Muhammadmullo Abdulla o‘g‘li – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, t.f.f.d., dotsent.
26. Yunusova Shaxnoza Muxamedumarovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi, f.f.f.d., dotsent.

Texnik xodim: Azimova Durdona Azam qizi

MUNDARIJA

Чертовицкий А.С, Нарбаев Ш.К, Ахмаджонова Ш	Оценка эффективности использования земель сельскохозяйственного назначения в регионе: методический аспект	5
Вахобов А.Р	Агросуғуртанинг халкаро стандартларини жорий этиш масалалари	16
Mamatov M.N	Sport sohasini moliyalashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari	21
Primova Sh.K	Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning audit sifatiga ta'siri	33
Abdirakhmonov A.T	Appreciative leadership and its importance in organization development (od)-application to uzbekistan	42
Каландаров А. Б	Банкларнинг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари	49
Mamajonova M.M	Impact without mass: divergent research signals for Uzbek universities in the THE and QS World University Rankings 2027	58
Saidaxmedova N.I, Norbekova N.M	Postindustrial transformatsiya sharoitida oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashning nazariy-metodologik kategoriyalari, mezonlari va indikatorlari	74
Sharipov Sh.X	Respublika va xorijda qo’llanilayotgan purkagichlar konstruksiyalarining tahlili va yangi model uchun optimal turini tanlash	81
Usarov J.A	Boshqaruv servis kompaniyalarida majburiy badallarni undirish jarayonining raqamlashtirilganlik darajasini kompleks baholash	92
Usarov J.A	Boshqaruv servis kompaniyalarida qarzdorlikni raqamli monitoring qilish va risk bo‘yicha segmentatsiyalash mexanizmi	105
Axrorov M.Sh	Nasos stansiyalarining energiya samaradorligini sun’iy neyron tarmoqlari asosida optimallashtirish	114

БАНКЛАРНИНГ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БИЛАН ИШЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Каландаров Абдулла Бахтиёрович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси
эл.манзил: mfua-msk@mail.ru
тел: +998(97)725-90-80

Аннотация: Дунё миқёсида кредит рискини хеджирлашни такомиллаштириш, кредитларнинг рисклилиги ва даромадлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, банк рискларини стресс-тестлашни такомиллаштириш, кредит рискини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш, кредит риски даражасига бевосита таъсир қилувчи рискларнинг таъсирини нейтраллаштириш, банкларнинг кредитлаш фаолиятини инновациялар асосида такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, банкларнинг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини долзарб эканлигини кўрсатади.

Мақолада мамлакат банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, таснифланган кредит, муаммоли кредит, захира, фоиз ставкаси, рақамли технологиялар.

Abstract: Globally, research is being conducted to improve credit risk hedging, balance loan returns against risk, refine bank risk stress testing, utilize digital technologies in credit risk management, mitigate the impact of other risks on credit risk, and enhance banking credit operations through innovation. This underscores the importance of improving how banks manage non-performing loans.

The article develops scientific proposals aimed at improving the practice of managing problem loans in banks.

Key words: commercial bank, loan, classified loan, problem loan, reserve, interest rate, digital technologies.

Кириш: Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «тижорат банкларининг кредит портфелини ва банк рискларини бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий рискларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш» банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат

банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи (таҳлили):

А.Смулов ва О.Нурзатнинг фикрига кўра, «муаммоли қарздорлик деганда кредит олувчиларнинг банк олдидаги ўз вақтида қисман ёки тўлиқ қайтарилмаган қарздорликларининг жами суммаси тушунилади, шунингдек, қарз муносабатлари иштирокчилари ўртасида кўзда тутилган ссудадан фойдаланганлик учун рағбат суммаси, ҳисобланган жарималар, пенялар ва бошқа тўловлар суммаси ҳам муаммоли қарздорлик ҳисобланади» [2].

Асосий қарз, ҳисобланган фоизлар, жарима ва пенялар иқтисодий мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистон банк амалиётида мазкур тўловлар ҳам тегишли тартибда ҳисобга олинишини инобатга олган ҳолда, уларни муаммоли қарздорликнинг ягона таркибий қисми сифатида эмас, балки алоҳида таснифлаш мезонлари асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Н.Кузнецов ва А.Спиридонованинг фикрича, муаммоли кредитларнинг қарздорнинг молиявий ҳолатининг ёмонлашишидан ташқари яна қуйидаги асосий белгилари мавжуд:

– сотиш ва тушум ҳажмининг қисқариши;

– кредит олган субъект ишлаётган бозорнинг қайта қурилиши;

– бизнес мулки эгасини/корхона раҳбариятини (ҳақиқатда бизнесни бошқарувчи шахсларни) ўзгариши;

– қарздорнинг кредит бўйича тўловни кечиктиришга бўлган ҳоҳиши;

– кредитдан мақсадсиз фойдаланиш [3].

Фикримизча, Н.Кузнецов ва А.Спиридонова кредитлар бўйича муаммоли қарздорликнинг бир қатор асосий белгиларини тўғри эътироф этган. Лекин, муаммоли кредитларга хос бўлган бир қатор муҳим ташқи омиллар, жумладан, тўловлар кетма-кетлиги, миллий валютанинг қадрсизланиши, инфляция даражасининг ошиши ушбу муаллифларнинг эътиборидан четда қолган.

Р. А. Долженко кредитларни уларнинг муаммолилик даражасига кўра 4 гуруҳга (зона) бўлишни таклиф қилган:

- яшил;
- сариқ;
- қизил;
- қора.

Унинг фикрича, кредитлар “қизил” ва “қора” зоналарга мансуб бўлганда муаммоли қарздорлик юзага келади ва қарздор бу вақтда кредитни қайтариш бўйича мажбуриятини лозим даражада бажара олмай қолади [4].

Россиялик таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Россия Федерациясида банк соҳасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ва илмий адабиётларда муаммоли ва муддати ўтган қарздорликни аниқлаш бўйича ягона

ёндашув мавжуд эмас. Россия Марказий банкининг таҳлилий ҳисоботларида мазкур терминлар биргаликда ишлатилади. Шунингдек, амалий фаолиятда ушбу тушунчалар ўртасида аниқ фарқлаш мезонлари мавжуд эмас, кўп ҳоларда мазкур тушунчалар синонимлар сифатида талқин қилинади, тижорат банклари эса, қайси қарздорлик муаммоли ёки муддати ўтган қарздорликка мансублигини мустақил аниқлашади. Бундай шароитда банк назорати органи томонидан ссудалардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини шакллантириш бўйича молиявий кўрсаткичлар тартибга солинади [5].

Айрим илмий тадқиқотларда Сунъий интеллект ва Катта маълумотлар технологияларини банкларнинг муаммоли кредитларини бошқаришда муҳим ўрин тутиши эътироф этилган [6].

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида қайд этилган рақамли технологиялар тижорат банкларининг фаолиятига, шу жумладан, кредитлаш фаолиятига жадал кириб бормоқда.

Г.Балаяннинг фикрига кўра, «муаммоли қарздорлик деганда қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши, сифатли таъминотнинг мавжуд эмаслиги ёки ёмонлиги оқибатида қайтмаслик эҳтимолини ошиш белгилари мавжуд бўлган олиш эҳтимоли кичик бўлган активлар тушунилади» [7].

Бироқ, Г.Балаян муаммоли кредитнинг юзага келиш эҳтимолини фақат икки омил билан, яъни қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ва сифатли таъминот билан боғлаган. Ҳолбуки, муаммоли кредитларнинг юзага келишида ташқи омиллар, жумладан, тўловлар кетма-кетлиги, давлатнинг солиқ сиёсатини ўзгариши, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатининг ўзгариши муҳим роль ўйнайди.

Т.Бобакуловнинг фикрига кўра, «ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради. Бу эса, уларнинг пул оқимини заифлашувига олиб келади ва тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади» [8].

Таҳлил ва натижалар: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги 2696-сонли «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига мувофиқ, тижорат банкларининг активлари сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади [9].

Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг 39-стандарти талабларига кўра: «ссудаларнинг йўқотилган қиймати унинг қийматини

камайтириш орқали тўғридан-тўғри (charge off) акс эттирилади ёки эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратиш шаклида ифодаланади; имтиёзли фоизларда берилган стандарт ссудалар бўйича захиралар ташкил этиш эмас, балки имтиёзли ссуданинг баланс қийматини камайтириш талаб этилади» [10].

Республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётига баҳо бериш учун муаммоли кредитларнинг таркиби ва динамикасига баҳо берамиз. Бунинг учун эса, молиявий таҳлилнинг қиёсий, таркибий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланамиз.

Муаммоли кредитлар соҳасидаги тенденцияларни аниқлаш учун таҳлил даври камида учта бўлиши керак. Акс ҳолда, трендли таҳлилни амалга ошириб бўлмайди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республика бўйича банкларнинг муаммоли кредитларининг миқдори ва даражасига баҳо берамиз.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муаммоли кредитларининг миқдори ва даражаси[8]

Кўрсаткичлар	Йиллар					2025 йилда 2921 йилга нисбатан ўзгариши
	2021	2022	2023	2024	2025	
Муаммоли кредитлар, млрд. сўм	16974	13992	16621	21185	18055	106,4 %
Муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, %	5,2	3,6	3,5	4,0	3,0	- 2,2 ф.п.

1-жадвалдаги маълумотлар аниқ кўрсатадики:

- республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2022-2024 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, муаммоли кредитларнинг миқдори 2025 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган. Бу эса, муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

- мамлакат тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга ошган, бироқ, 2025 йилда 2021 йилга нисбатан 2,2 фоизли пунктга пасайган.

1-расмдаги маълумотлардан аниқ ва тиниқ кўринадики:

- республикамизда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2025 йилларда нисбатан юқори бўлган;

[8] Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

- мамлакатда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2023-2025 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган;



1-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат улуши мавжуд бўлган банкларда ва бошқа тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда[9]

- республикамизда давлат улуши мавжуд бўлмаган тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2025 йилларда нисбатан паст бўлган;

- давлат улуши мавжуд бўлмаган тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2022-2024 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики:

- “Асакабанк” АЖ да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори 2023 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган, бироқ, 2025 йилда 2021 йилга нисбатан 1,0 фоизга камайган;

- “Асакабанк” АЖ кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий даражасидан (1,0 %) юқори бўлган. Бу эса, унинг муаммоли активлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

[9] Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал

“Асакабанк” АЖ да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва даражаси[10]

Кўрсаткичлар	Йиллар					2025 йилда 2921 йилга нисбатан ўзгариши
	2021	2022	2023	2024	2025	
Захира ажратмаларининг миқдори, млрд. сўм	1326	1315	1393	1073	1313	99,0 %
Захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %	2,6	2,6	2,4	1,8	2,1	- 0,5 ф.п.

Хулоса ва таклифлар: Тадқиқот жараёнида тижорат банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиёти бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- муаммоли қарздорлик деганда кредит олувчиларнинг банк олдидаги ўз вақтида қисман ёки тўлиқ қайтарилмаган қарздорликларининг жами суммаси тушунилади, шунингдек, қарз муносабатлари иштирокчилари ўртасида кўзда тутилган ссудадан фойдаланганлик учун рағбат суммаси, ҳисобланган жарималар, пенялар ва бошқа тўловлар суммаси ҳам муаммоли қарздорлик ҳисобланади;

- муаммоли кредитларга бир қатор муҳим ташқи омиллар, жумладан, тўловлар кетма-кетлиги, миллий валютанинг қадрсизланиши, инфляция даражасининг ошиши кучли таъсир кўрсатади;

- муаммоли қарздорлик деганда қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши, сифатли таъминотнинг мавжуд эмаслиги ёки ёмонлиги оқибатида қайтмаслик эҳтимолини ошиш белгилари мавжуд бўлган олиш эҳтимоли кичик бўлган активлар тушунилади;

- ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради. Бу эса, уларнинг пул оқимини заифлашувига олиб келади ва тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади;

[10] Жадвал муаллиф томонидан Асакабанкнинг молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

- республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг миқдори 2022-2024 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, муаммоли кредитларнинг миқдори 2025 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган. Бу эса, муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

- мамлакат тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга ошган, бироқ, 2025 йилда 2021 йилга нисбатан 2,2 фоизли пунктга пасайган;

- республикамизда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2021-2025 йилларда нисбатан юқори бўлган;

- “Асакабанк” АЖ кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори 2023 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган, бироқ, 2025 йилда 2021 йилга нисбатан 1,0 фоизга камайган;

- “Асакабанк” АЖ кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий даражасидан (1,0 %) юқори бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Биг Дата ва сунъий интеллект каби рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш аниқлигини ошириш ҳамда кредит рискини бошқариш амалиётини такомиллаштириш йўли билан нетто кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражасини ошириш учун, биринчидан, Биг Дата ва сунъий интеллект каби рақамли технологияларни банк амалиётига жорий қилиш харажатларини узлуксиз молиялаштириш имконини берадиган барқарор ва мақсадли ресурс манбаини шакллантириш керак; иккинчидан, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигининг барча жиҳатларини қамраб олувчи маълумотлар базасини шакллантириш лозим; учинчидан, мижозларнинг кредит тарихига асосланган кредит йиғма жилдини шакллантириш зарур; тўртинчидан, кредит рискини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида кредит рискини хеджирлаш инструментларини банклар амалиётига жорий қилиш зарур; бешинчидан, хорижий банклардан жалб қилинган халқаро кредитларни олувчи мижозларнинг кредит рискини “стандартлаш ёндашув” усулида баҳолашни йўлга қўйиш керак.

2. Брутто кредитларнинг ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш

йўли билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлардаги улушини ошириш учун, биринчидан, барқарор ресурсларнинг кредитли трансформациясини такомиллаштириш керак; иккинчидан, муддатсиз юқори ликвидли активлар билан беқарор муддатсиз мажбуриятлар ўртасидаги миқдорий мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, жами фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликка эришиш лозим.

Ўз навбатида, барқарор ресурсларнинг кредитли трансформациясини такомиллаштириш қуйидаги ишларни амалга оширишни тақозо этади:

- талаб қилиб олинадиган депозитларнинг фақат камаймайдиган қолдиғидан кредит ресурси сифатида фойдаланиш;
- банкларнинг депозит базасининг етарлилигини таъминлаш;
- депозитларнинг кредитга трансформация қилинадиган суммасига нисбатан лимит ўрнатиш;
- тижорат банкининг қимматли қоғозларини сотишдан олинадиган пул маблағларининг мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш зарур;
- регулятив капиталнинг пассивларнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигига эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Смулов А. М., Нурзат О. А. Проблемная задолженность: понятие, основные признаки и меры повышения эффективности возврата проблемных кредитов//Финансы и кредит. – Москва, 2009. - № 35 (371). - С. 2–12.

3. Кузнецова Н. В., Спиридонова А. А. Проблемная задолженность: понятие, причины и методы управления//Региональная и отраслевая экономика. – Байкал, 2024. – № 4. – С. 27–35.

4. Долженко Р. А. Ключевые показатели эффективности работы с проблемными активами банка и их расчет//Финансы: теория и практика. – Москва, 2018. - Т. 22. № 4 (106). - С. 130–145.

5. Юсупова О. А. О просроченной задолженности в кредитных портфелях российских банков, причинах ее возникновения и методах работы с ней // Финансы и кредит. 2015. № 3 (627). С. 14–26.; О развитии банковского сектора Российской Федерации в июне 2023 года. Информационного аналитический материал. Июль 2023. Банк России. Москва, 2024. URL: https://cbr.ru/Collection/Collection/File/45179/razv_bs_23_06.pdf.

6. Канчана В., Н. И. Ломакин Н., Н. Т. Шабанов, С. Ю. Крюкова, С. А. Наумова, Я. А. Репин, И. Н. Ломакин, Е. А. Радионова. AI-система, корреляционно-регрессионная и VAR-модель для прогнозирования просроченной задолженности коммерческих банков РФ и анализа финансового риска//Международная экономика. 2022. № 6. С. 450–464.; Ломакин Н. И., Вималаратхне К., Ботиров Г. AI-модель для прогнозирования доли просроченных кредитов в кредитных портфелях коммерческих банков//Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. - 2022. № 2 (60). С. 32–37.; Шерстнева Д. С. Использование технологии BIG DATA при работе с проблемной задолженностью в банковской деятельности//Глобальные проблемы модернизации национальной экономики : материалы X Международной научно-практической конференции. - Тамбов, 2021. С. 575–581.

7. Балаян Г. К. Теоретическое исследование категории «проблемная задолженность» с точки зрения коммерческих банков//Вопросы экономики и финансов: современное состояние и актуальные проблемы: материалы научно-практической национальной конференции. – Москва, 2018. - С. 43–52.

8. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 13.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.

10. LAS 39 Implementation Guidance, 2001. – jule. - § 66. – Question 66. – 3.- P. 113-115.

Ingliz tili muharriri: Norbekov Shohzod Mamarasul o‘g‘li
Musahhih: Vahobova Marfua Mirkamalovna
Sahifalovchi va dizayner: Azimova Durdona Azam qizi

2026. № 3

© Materiallar ko‘chirib bosilganda **“Management and Economics Scientific Research Journal”** jurnali manba sifatida ko‘rsatilishi shart.
Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma’sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.
Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.
El. pochta: journals@timeedu.uz
Tel.: +998 95 651 90 00

“Management and Economics Scientific Research Journal” jurnali 19.09.2024 yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 404368-son reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan. Litsenziya raqami: C-5669639
PNFL: 308906510

Manzilimiz: *Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani Shota Rustaveli ko'chasi, 114*